



Ислом Нури

Азиз ота-оналар, Умар разияллоху анху айтадиларки: Кунлардан бирида

Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам билан бирга эдик, шунда у кишининг

олдилариға (инсон суратида Жаброил фаришта) келиб Эй Мухаммад, Иймон тўгрисида

менга хабар беринг! деди. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бундай жавоб

килдилар: «Аллоҳга, Унинг фаришталариға, Унинг китоблариға, Унинг пайгамбарлариға, охират кунига иймон келтиришинг хамда такдирнинг яхшилиги ва

ёмонлигига иймон келтиришинг (Муслим ривояти). Азизлар, бу дарсда фарзандларимизга иймонни тушунтирамиз. Иймон- тил билан Ашҳаду аллаа илааха

иллаллоху ва ашҳаду анна Мухаммадан расулуллох дейиш, шу тавхид калимасини

калбда тасдиклаш ва бу калима талаб киладиган ибодатларни адо этиш. Шунинг учун

Иймон- хам сўз хам амалдир. Ибодат килиш билан зиёдалашади, гунохга кўл

уроилганда эса нуксонлашиб боради.

1. Савол: Болажоним, жаннатга кириш учун одамда нима бўлиши керак?

Жавоб: Иймон бўлиши керак.

2. Савол: Иймонли бўлиш учун нима килиш керак?

Жавоб: Ашҳаду аллаа илааха иллаллоху ва ашҳаду анна Мухаммадан



расулуллох
дэйиш керак.

3. Савол: Болажоним, Ашхаду аллаа илааха иллаллоху ва ашхаду анна
Мухаммадан
расулуллох

калимасини тил билан айтса бўлдими?

Жавоб: Тил билан Ашхаду аллаа илааха иллаллоху ва ашхаду анна
Мухаммадан
расулуллох деб, калбда эса уни тасдиклаш керак.

4. Савол: Болажоним, калбинг каерда?

Жавоб: Мана ба ерда, юрагим калбимдир.

5. Савол: Болажоним, Ашхаду аллаа илааха иллаллоху ва ашхаду анна
Мухаммадан
расулуллох нима дегани?

Жавоб: Аллохдан бошка хак худо йўклигига гувохлик бераман хамда
Мухаммад
Аллохнинг пайгамбари эканлигига гувохлик бераман.

6. Савол: Болажоним, Иймони бор кишига ким дейилади?

Жавоб: Иймонли кишига мўмин дейилади.

7. Савол: Мўминларни Аллох яхши кўрадими?



Жавоб: Ха дадажон, Мўминларни Аллоҳ яхши кўради, биз хам уларни яхши кўрамиз.